281-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

281 Ахолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартириш ва қушимчалар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-1

(2012 йил 1 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 15 сентябрдаги 24/6-сон қарори (руйхат рақами 1727, 2007 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2007 й., 41-42-сон, 425-модда) билан тасдиқланған Ахолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби турисидаги низомга иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2012 йил 9 июнь, 17/3-сон

25 (525)-сон

— 85 —

281-модда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 9 июндаги 17/3-сон қарорига ИЛОВА

Ахолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. 2-банд «асосий» деган сўздан кейин «ёки иккиламчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
- 2. 6-банд «532-сон қарори» деган сўзлардан кейин «(Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 12-сон, 70-модда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
- 3. 29-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(2007 йил 18 июль, рўйхат раками 1697, Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007 йил,» деган сўзлар «(рўйхат раками 1697, 2007 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007 й.,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
 - 4. Қуйидаги мазмундаги VI боб билан тулдирилсин:

«VI. Якуний қоида

36. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.».